Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 215 (7355). ● 11 ноябрь, 1980 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ-ЭФИОПИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

10 ноябрь куни Катта Кремль саройида Совет-Эфиопия қўшма баёноти имзоланди.

Ҳужжатни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК)нинг Раиси Менгисту Хайле Мариам имзолади.

Баёнотни имзолаш маросимида:

Совет томонидан — Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар;

Эфиопия томонидан — МҲМК доимий комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, миллий мудофаа министри, бригада генерали Тесфайе Гебре Кидан, МҲМК доимий комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, ЭМПТК халқаро бўлимининг мудири Берхану Байе, МҲМК доимий комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, тараққиёт ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампаниясини ўтказувчи олий кенгаш раисининг ўринбосари Алдис Тедла ва Эфиопиянинг бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1980 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVIII Пленуми бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги докладини, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладини муҳокама қилди.

Музокараларда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, «Узбекшахтастрой» трести ғишт терувчиларининг бригадири Д. А. Зазулин, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов, Баҳористон район партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Аметов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари, М. Камолов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Тўрткўл район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Н. Нурумбетов, Жиззах область ижроия комитетининг раиси Э. Исломов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум ўртоқ С. А. Асриянцни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудири этиб тасдиқлади.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1980 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА БЕРИЛГАН КЎРСАТМАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг программавий нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин ҳамда амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин. Мазкур қарор, қоида ва хулосалар барча партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари, ҳар бир меҳнат коллективи фаолиятига асос қилиб олинсин, республиканинг ҳар бир коммунисти давлат планини ўзининг шахсий программаси деб қабул қилишига, унинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишига эришилсин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга астойдил миннатдорчилик туйғуларини изҳор этиб, партиянинг халқ турмуш даражасини юксалтиришдан иборат ленинча йўлини бундан буён ҳам сабот билан амалга оширишни энг зарур иш деб ҳисоблайди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрикномасига амалий иш билан жавоб қайтариш, республиканинг пахта комплексини муваффақиятли ривожлантириш, ғўшт, сут, тухум, балиқ, мева, сабзавот, узум, полиз ва цитрус маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг бурчидир. Қишлоқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўмдан самарали фойдаланилсин, республика қишлоқларида, хусусан қўриқ районларида яқин йиллар ичида ҳар бир янги хўжаликда барқарор меҳнат коллективини вужудга келтириш мақсадида уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, клублар, спорт иншоотлари қуриш проблемаси зўр ғайрат ва изчиллик билан ҳал этилсин. Шахсий томорқа хўжаликларини ва корхоналарнинг ҳамда ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришдан иборат фойдали ташаббусни рағбатлантириш керак.

Кишиларнинг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар орасида озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, тармоқ озиқ-овқат, программасини ишлаб чиқиш биринчи ўринда турибди, бунинг учун қишлоқ хўжалигини ва унга хизмат қилувчи саноат тармоқларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, асраш, ташиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари билан озиқ-овқат индустрияси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ривожлантириш масалаларини бирлаштириш зарур.

Халқ фаровонлигини ошириш халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда жиддий силжишлар бўлишини ҳам талаб қилади. Партия, совет ва хўжалик органлари енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидаги ишларнинг аҳволини қатъиян яхшилашлари, оғир саноат ва мудофаа саноати корхоналарини маданий-маиший моллар ишлаб чиқаришга жалб қилишлари лозим.

Уй-жой қурилишини қатъий назорат остига олиш, унинг суръатларини жадаллаштириш, сифатини яхшилаш керак.

Уй-жой ва бошқа социал маданий-маиший объектлар қурилишида ишлаб чиқариш объектларини барпо этишдан орқада қолишга йўл қўйган министрликлар ва идораларга алоҳида эътибор берилсин.

3. Пленум таъкидлайдики, экономика самарадорлигини ошириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, коммунистик қурилиш ҳар бир соҳасида иш сифатини яхшилаш учун курашни тобора кучайтириш республика партия ташкилотининг, министрликлар, идоралар, меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифасидир.

Бу кураш саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигида кенг жабҳада олиб борилиши керак. Меҳнат унумдорлигини ошириш фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, энг кам харажат қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг техникавий даражасини ошириш учун мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солиш ана шу курашнинг асосий йўналишлари бўлиб қолиши лозим.

Бошқариш ва планлаштириш механизмини, хўжалик юритиш методларини ва ижтимоий интизомини замонавий талаблар даражасига кўтармоқ учун ишларни сабот билан давом эттириш зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминловчи тармоқлар — машинасозлик, газ ва химия саноати, энергетикани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Унумсиз ҳаражатлар ва нобудгарчиликларни бутун чоралар билан бартараф этиш, металл, ёқилғи, энергия, барча моддий-молиявий ва меҳнат ресурслари тежабтергаб сарфланишига эришиш — партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг бурчидир.

Бу ишга илмий тадқиқот коллективлари, республика Фанлар академияси системасида ишлаётган олимлар ва конструкторлар актив жалб қилинсин, улар регионал ва тармоқ ривожлантиришга доир ҳар томонлама комплекс социал-иқтисодий программаларни, экономика ва ишлаб чиқаришнинг айрим проблем масалаларини ишлаб чиқишга сафарбар қилинсин, бунда тармоқлараро ва территориал ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда пропорциялари мураккаб системаларини планлаштиришнинг илғор методларидан дадилроқ фойдаланилсин, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига қарши кураш олиб борилсин, республика хўжалик механизмини ва уни бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин.

Меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтиришнинг синалган воситаси — социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин, у юксак пировард натижаларга эришишга йўналтирилсин. Меҳнат коллективларининг, хўжалик раҳбарларининг ташаббуси ҳар томонлама ривожлантирилсин. Тугалловчи йил ва умуман ўнинчи беш йиллик барча планлари ҳамда социалистик мажбуриятлари тўла ва ошириб бажарилишига эришилсин. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида муваффақиятли ишлаш учун яхши замин яратилсин.

4. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг форма ва методларини сабот билан такомиллаштирсинлар, бу ишга мумкин қадар кўпроқ конкрет, амалий, оператив тус бахш этсинлар. Ҳисоботсайлов кампанияси давомида республика партия ташкилоти барча бўғинларининг жанговар қобилиятини, хўжалик ва социал сиёсий вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга зўр эътибор берилсин. Меҳнат коллективларини социал иқтисодий ва илмий-техникавий ривожлантириш туб масалалари доимо диққат марказида бўлсин. Партия ташкилотлари фаолиятининг ҳамма томонлари изчиллик билан атрофлича ўткир ва ўз-ўзини танқид руҳида кўриб чиқилсин, камчилик ва нуқсонлар очиб ташлансин, барча ижобий ишлар қўллаб-қувватлансин.

Одамга эътибор бериб, меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш партия комитетлари фаолиятининг бутун услубига сингиб кетиши, ҳар бир раҳбар ишининг ажралмас хусусияти бўлиб қолиши керак. Бюрократизм, қўполлик, неккайиш ва хотиржамлик фактларига кескин чек қўйиш лозим.

5. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг якунлари ва пленум қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида ва активларнинг йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинсин. Муҳокама этиш амалий, ижодий характерда бўлиши, белгиланган тадбирлар максимал даражада конкрет бўлиб, КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифаларнинг моҳияти ва руҳига батамом мос келиши зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтадики, Ўзбекистон ССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг синалган раҳбарлигида Совет давлати иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш йўлидаги курашда куч-ғайратларини оширадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб оладилар.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ 55 ТОМЛИК ТЎЛА АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ВА НАШР ЭТИШДА ҚАТНАШГАН ХОДИМЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Владимир Ильич Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва босмадан чиқариш ишининг муваффақиятли тугалланиши билан сизларни астойдил ва самимий қутлайди. Бу тўплам улуғ йўлбошчининг қарийб тўққиз минг асари ва ҳужжатини ўз ичига олади. Коммунистик партия билан Совет давлати асосчисининг асарларини республикада китоб нашр этиш тарихида биринчи марта бу қадар тўла ҳажмда, юксак илмий ва полиграфия даражасида ўзбек тилида биринчи марта бажарилди.

В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг ўзбек тилида нашр этилиши республика ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Тўла асарлар тўпламининг нашр этилиши Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари олдида Ленининг музаффар таълимотини бундан буён ҳам эгаллаш, инсон тафаккурининг энг бой хазинасидан баҳраманд бўлиш учун янги кенг имкониятлар очиб беради.

Коммунистик ғоявийликнинг жуда катта ҳаётий кучи шундан иборатки, у илғор революцион назариянинг мустаҳкам заминида шаклланади. Республикада марксизм-ленинизм классикларининг асарларини пропаганда қилиш соҳасида собиқдемлик билан катта иш олиб борилмоқда. Кейинги 10 йил ичида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг 70 дан кўпроқ асарлари қарийб икки миллион нусха тиражда нашр этилди. Леонид Ильич Брежневнинг китоблари, КПСС ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарлари кенг оммалашди.

Марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганиш республиканинг кенг меҳнаткашлар оммасини ғоявий эътиқодлилик, ҳаётда актив позицияда туриш, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришиш муддаосини тарбиялайди.

В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламини нашр этишнинг Ленин юбилейи йилида, КПСС XXVI съезди арафасида тугалланиши республика меҳнаткашларининг Коммунистик партия ишига чексиз садоқатининг яна бир ёркин кўриниши, унинг ленинча миллий сиёсатининг тантанасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети марксизм-ленинизм барҳаёт ғояларини, илмий коммунистик дунёқарашни пропаганда қилишда, республика меҳнаткашларининг маънавий маданиятини бойитишда олимларга, таржимонларга, нашриётларнинг ходимларига, полиграфчиларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Ўзбекистон пойтахтида катта ва қувончли байрам — «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Тошкент отчопарида республика барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ меҳнатчиларининг вакиллари тўпланишди. Саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий муассасаларнинг намояндалари — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда, ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишда қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам берганлар мўл «оқ олтин» ҳосили усталари билан, илғор механизаторлар, ғаллакорлар, сабзавоткорлар, боғбонлар, соҳибкорлар билан бирга бу ерга келдилар.

Отчопарнинг марказий минбарини безаб турган транспорантга «6.150.000» рақами ёзилган. Республика колхоз ва совхозлари ҳозиргача мана шунча миқдорда «оқ олтин» элтиб бердилар. Қишлоқ меҳнатчилари давлатга дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, каноп сотиш юзасидан 1980 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини ҳам барвақт бажариб бўлдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон меҳнаткашларини меҳнатдаги мана шу ғалабалар билан астойдил табриклади.

«Ҳосил байрами»ни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Ленин мукофотининг лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Т. Охунова, Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт комитетининг раиси М. Иброҳимов «Ташсельмаш» заводининг пармаловчиси З. П. Зотова халқ бахт-саодати тўғрисидаги, барча иттифоқдош республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун партия билан ҳукуматга, шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан ташаккур айтдилар. Нотиқлар ишонч билдириб айтдиларки, республика механизаторлари эришилган натижалар билан кифояланиб қолмайдилар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида янги-янги муваффақиятларга эришадилар.

Парад бошланади. Байрамона безатилган автомашиналар минбарлар олдидан ўтади. Уларга серқуёш Ўзбекистон диёрининг анвойи хил туҳфалари: «оқ олтин» тўплари, бугдой бошоқлари, мевалар, сабзавот, узум бошлари жойланган эди. Машиналарга ўрнатилган панно ва транспорантлар қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнатдаги муваффақиятларини, КПСС XXV съезди ва партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум ўртоқ С. А. Асриянцни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудири этиб тасдиқлади.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Чавандозлар, полвонлар, акробатлар, гимнастикачилар отчопар майдонида ўз маҳоратларини кўрсатдилар. «Қиз қувмоқ», «Човган», «Ағдариш» халқ от спорти ўйинларининг иштирокчилари забардастлиги, эпчиллиги, мардлиги билан томошабинларни хушнуд этдилар. Отчопарда халқ сайллари бўлиб ўтди, санъат усталари, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари, дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрамнинг очилиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ана шу лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этсин.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Республикаси Президенти, Бош министри ва ҳукуматининг таклифига биноан 1980 йил декабрь ойининг биринчи ярмида расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга боради.


МИЛЛИОНЛАР ЙЎЛИНИ ЁРИТАДИГАН НУР

10 ноябрь куни В. И. Ленин музейининг Тошкентдаги филиалида Владимир Ильич Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилида нашр этиш ниҳоясига етказилганига бағишланган илмий-назарий конференция бўлди. Конференцияда тадқиқотчи олимлар ва Ленин барҳаёт меросининг пропагандистлари, таржимонлар, полиграфчилар, партия, совет комсомол ходимлари, республика пойтахти жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар.

Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленининг 55 томлик Тўла асарлари тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этишда қатнашган ходимларга йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Т. Турсунов «Ленин гояларининг тантанаси» тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва конференцияда сўзга чиққан нотиқлар республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институтининг сектор мудири тарих фанлари доктори Б. В. Лунин, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Тошкент халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. В. Ким, КПСС ветерани, 1919 йилдан буён партия аъзоси Р. Я. Игольников, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг технологи М. А. Абдувосиқова, Тошкент политехника институтининг профессори Қ. Х. Ҳасанов В. И. Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва босмадан чиқариш соҳасидаги ишнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бу асарлар Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари олдида ленинча музаффар таълимотни бундан буён ҳам эгаллаш, инсоният тафаккурининг ғоят бой ҳазинасидан баҳраманд бўлиш учун янги имкониятлар очиб берди. Таржимонлар, олимлар, полиграфчилар катта коллективининг қарийб саккиз йил давом этган астойдил меҳнати ниҳоясига етди. Тўла асарлар тўпламини таржима қилиш ва чоп этиш соҳасидаги бутун кучлар КПСС Марказий Комитетининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига мувофиқ амалга оширилди. КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев диққат-эътиборни Ленин меросини кенг оммалаштириш ва чуқур ўрганишга доимо қаратиб келмоқдалар. Ленин мероси замонамизнинг энг илғор идеологиясини, келажак эгаларининг музаффар идеологиясини халқ оммаси онгига сингдириб бормоқда. Ленин Тўла асарларининг нашр этилиши республикада ана шу барҳаёт мерос пропагандистлари кўлгина авлодлари ишининг гултожи, Ўзбекистон меҳнатчилари ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ҳақиқатдан ҳам жуда катта воқеа бўлди. Бу эса қонуний бир ҳолдир, дейишди сўзга чиққан нотиқлар. Бу воқеа республика меҳнаткашларининг марксизм-ленинизм байроғига, коммунизм порлоқ идеалларига, Коммунистик партия ишига содиқ эканликларини бамисоли яна бир карра таъкидлаб, КПСС XXVI съезди арафасида рўй берди.

(ЎзТАГ).



«Ташхимсельмаш» заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилаяпти. Улар дала меҳнаткашларига кўплаб машина-механизмлар тайёрлаб беришмоқда. Суратда: йиғув цехида илғор слесарь В. Наумов бошлиқ бригада ишчилари иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ДУР ИЗЛОВЧИ

ТАРЖИМОНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Таржимон меҳнатини дур изловчилар меҳнатига қиёс қилиш мумкин. Дур изловчи денгиз қаърига шўнғиб, не-не машаққатлар билан дур олиб чиқса, таржимон сўз уммонидан таржима қилиниши лозим бўлган сўзга ҳам мазмунан, ҳам мантиқан, қолаверса ҳатто талаффузи жиҳатидан ҳам мос келадиган сўзни топиб, жой-жойига қўйиши керак. Таржимон шундай қилолса, марра уники. Лекин бунинг учун жуда кўп меҳнат қилиш, тинмай ўқиб-ўрганиш, тажриба, малака орттириш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти таржима бўлимининг мудири Ҳамза Солиҳов ана шундай иқтидорли таржимон ва моҳир муҳаррирлардан. Мана салкам ўттиз йилдирки, у ўзи танлаган, меҳри тушган сиёсий таржима соҳасида ижод қиляпти.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, илк бор институт даргоҳига қадам қўйганида Ҳамза ака новдадек жўшқин йигит эди. Институт коллективи бу камтар, самимий йигитни яхши қабул қилди. Рустам Абдураҳмонов, Ғиёс Неъматов каби отахон таржимонлар билимга чанқоқ, иш ўрганишга иштиёқи зўр ёш ходимдан ўз билганларини сира аямадилар. Ҳамза ака ҳам ўз навбатида таржима сир-асрорларини ўрганишда тинибтинчимади. У марксизм-ленинизм классиклари асарларидан ничик-ничик парчалар таржима қилиб, кекса таржимонлар ишига солиштириб кўрди, ўз ҳато-камчиликларини аниқлади, билмаганини сўраб-суриштириди, ўқиди, ўрганди. Вақт ўтган сари ёш таржимонниг малакаси ошиб, қуввати муҳофазаси кенгайиб, қалами чақаланиб бораверди. Энди унга анча мураккаб ишларни ҳам ишониб топширишадиган бўлди. Ўзига билдирилган ишончни оқлаш, устозлари юзини ерга қаратмаслик учун тинмай меҳнат қилди. Меҳнатнинг таги роҳат деганларидек, чеккан заҳматлари зое кетмади. Бугунги кунда Ҳамза Солиҳов республикамизда етук сиёсий таржимон сифатида маълум ва машҳурдир.

Ҳозирги кунда ўзбек китобхони Маркс — Энгельс — Ленин асарларини ўз она тилида ўқиётган экан, бунда Ҳамза Солиҳовнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. У марксизм-ленинизм классиклари асарларини, жумладан Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг», В. И. Ленининг «Философия дафтарлари», «Материализм ва эмпириокритицизм» каби шоҳ асарларни таржимасини қиёмига етказиб таҳрир қилди. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг 45 жилдлик асарларини чиқаришда фаол қатнашди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида республикамизда ниҳоятда масъулиятли, шу билан бирга жуда ҳам шарафли ишга қўл урилди. Доҳиймнинг 55 жилдлик Тўла асарлар тўпламини чиқаришга қарор қилинди. Ҳамза Солиҳов таржима бўлимининг мудири сифатида Ғиёс Неъматов, Аҳмаджон Аюповлар билан бирга ана шу улкан ишга бош-қош бўлди. Институтга янги келган ёш ходимларга устозлик қилди, ўз тажрибасини ўргатди, айни замонда ўзи ҳам бу ишда фаол қатнашиб, 10 жилдга муҳаррирлик қилди.

Ҳамза Солиҳов марксизм-ленинизм классиклари асарлари билан чекланиб қолмади. М. А. Сусловнинг «Танланган асарлар»ини, Родней Арисмендининг «Ленин, революция ва Латин Америкаси», П. Н. Федосеевнинг «ХХ аср марксизми», С. И. Поповнинг «Ҳозирги замон буржуа социологик назариялари-нинг танқиди» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилишда қатнашди. Булардан ташқари «Марксизм-ленинизм асослари», «Сиёсий иқтисод», «Марксча-ленинча философия хрестоматияси», «Философик билим асослари» каби дарслик ва қўлланмаларни таржима, таҳрир қилишда ҳам фаоллик кўрсатди.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг 55 жилдлик Тўла асарлар тўплами ўзбек халқининг маънавий бойлигига айланди, улкан бир довон ошилди. Лекин, олдинда янги режалар. Улар ҳам муваффақиятли амалга оширишга ишончимиз комил. Чунки бу ишга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» коммунист Ҳамза Солиҳов каби таржимон ва муҳаррирлар бел боғлашган.

Х. ПЎЛАТОВ,
Партия тарихи институти катта илмий ходими.

КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

ПАРТИЯ ташкилотлари ҳаётидаги масъулиятли давр қизғин давом этмоқда. Йирик партия ташкилотларида бошланган конференцияларда коммунистлар ўз фаолиятларини ишчанлик билан муҳокама қилиб, бажарилган ишларга конкрет баҳо бермоқдалар, навбатдаги режаларни белгилаб олмоқдалар.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати коммунистларининг конференциясида партия комитетининг меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасида олиб борган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеологик ишлари атрофлича таҳлил этилди. Делегатлар сўзги ққки йил ичида эришилган ютуқларга ижобий баҳо бериш билан бирга йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни рўй-рост очиб ташладилар, қатор таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Комбинат партия конференцияси КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми якунлари омма ўртасида кенг муҳокама қилинаётган кунларда бўлиб ўтди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар Пленум қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва кўрсатмаларни амалга ошириш юзасидан комбинат меҳнаткашлари олдида турган вазифалар, енгил саноатни янада ривожлантириш йўлида ҳал қилиниши керак бўлган масалалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

—Ўтган икки йил, — деди комбинат партия комитетининг секретари А. Файзуллаева ҳисобот докладида, — беш йилликнинг якунловчи босқичида КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун қизғин кураш даври бўлди. Корхона партия ташкилоти ишлаб чиқариш резервларидан янада яхшироқ фойдаланиш юзасидан социалистик мусобақани авж олдирди. Ҳисобот даврида 1346 та янги машина ва станок ўрнатилганлиги, ишлаб турган техникадан 135 таси модернизация қилинганлиги, етти мураккаб участка механизациялаштирилганлиги муҳим тадбирлардан бўлди. Техникани янгилаш жараёни сезиларли даражада ўсди.

Ҳисобот даврида меҳнатни илмий асосда ташкил этишга бўлган эътибор янада кучайди. Бу соҳада 20 дан ортиқ план амалга ошди. Натижада 3299 кишининг меҳнат шароити яхшиланди, 196 минг сўмликдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Комбинат рационализаторлари фаолияти ҳам қувончли натижалар берди. Коммунистлардан Е. Поливанов, Е. Трофимов, М. Рунихин, Б. Деревянколар ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб проблемаларини дадиллик билан ҳал қилмоқдалар, янгиликларни жорий этиб, комбинатга катта иқтисодий самара келтирмоқдалар. Ҳисобот даврида корхонада 1900 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, 2,6 миллион сўм фойда олинди.

Комбинат коммунистлари технология жараёнини такомиллаштиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Бунда комбинатда ташкил этилган марказий илмий тадқиқот лабораторияси алоҳида роль ўйнамоқда. Бу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедралари тавсиялари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили 11 та илмий иш комбинатга 492 минг сўмлик маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий тадқиқот ишлари истиқболи ниҳоятда катта. Корхонада Фрунзе район партия комитети ташаббуси билан республикада биринчи жамоатчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди. Бирлашмада Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ходимлари ва комбинат мутахассислари муҳим ишлаб чиқариш проблемаларини ҳал қилмоқдалар.

Комбинатда амалга оширилган бундай тадбирлар тўқимачилар олдида янги-янги имкониятларни очмоқда. Биринчи фабрика тўқувчиси Н. В. Ершова шу йилнинг август ойида икки беш йиллик планни бажарганлиги, машҳур тўқувчи В. И. Солдатова айни кунларда ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига меҳнат қилаётганлиги конференцияда алоҳида таъкидланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, илғор тўқувчи Д. Еқуббоевалар ҳам вақтдан ўзиб кетишди. Корхонада минглаб яқин ишчи ва хизматчи шахсий беш йиллик планни бажарди. 650 ишчи ва хизматчи эса партия XXVI съезди очиладиган кунгача 1981 йил I квартали планини бажаришга аҳд қилган.

Конференция делегатлари эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга ҳисобот даврида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳам кескин танқид қилдилар.

Механика заводининг слесари коммунист А. Е. Веневцев ўзи ишлаётган корхона олдида турган муҳим масалалар устида тўхталиб ўтди.

— Заводда маҳсулот сифати доимий назорат остига олинмаган, — деди у. — Брак маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан жиддий чоралар кўрилмайди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам етарлича ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Жамоатчиликдан, ўртоқлик судларидан кам фойдаланмоқдамиз.

Ишчининг гапида жон бор. Завод маҳсулотига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Лекин юқорида тилга олинган камчиликларни бартараф этмай туриб, бу талабларни қондириб бўлмайди. Корхона фабрикалари янги техника билан жиҳозланган. Механика заводидаги кўпгина жиҳозлар эса эскириб қолган. Заводда ҳисобот даврида кадрлар қўнимсизлиги ўсганлиги, келтирилаётган ҳом ашё талабга жавоб бермаслиги туфайли ҳам кўпинча план бажарилмай қолмоқда. Механика заводи ана шу сабабларга кўра ип фабрикаси учун 4 минг дона ўрнига 600 тагина шпиндел тайёрлаб берди, холос.

Комбинат комсомол комитетининг секретари В. И. Зинченко тўқимачи ёшлар эришган ютуқлар, улар олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Ҳозир комбинатдаги ҳар тўрт комсомол аъзосининг бири коммунистик меҳнат зарбдоридир. В. Шкурин, Г. Александров, В. Федотова сингари сергайрат ёшлар бошчилик қиладиган бригадалар ҳар соҳада ўрнак бўлишяпти. Мазкур меҳнат коллективлари комбинатда «Беш йиллик қаҳрамонлари бизнинг сафимизда» деган шиор остида ишламоқдалар. Улар ўз бригадалари сафига ташкилот тўкимачиларни, ветеранларни қабул қилганлар.

— Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — деди комсомол ташкилоти секретари, — ҳанузгача бирорта ҳам комсомол ёшлар коллективи бригада пудрати методи билан ишлашга ўтмаганлиги бизни ташвишга солмоқда. Хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳсулот сифати учун курашни кучайтириш, интизомсизларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур. Бунда айниқса комсомол прожектори аъзолари ўрнак кўрсатишлари лозим.

Конференцияда сўзга чиққан ҳар бир делегат партия комитети фаолияти тўғрисида гапириб, конкрет фикр ва мулоҳаза, қимматли таклифлар киритди. Биринчи фабрика ип йигирувчиси, участка партия группаси ташкилотчиси Т. Ниёзова, ип йигириш ишлаб чиқаришни бригада бошлиғи Т. А. Хохлина, саралаш фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Г. С. Шпак ва бошқалар комбинат узоқ пайтдан бери натура ҳолида планни бажармаётганлиги, ҳисобот даврининг ўзида 8350 тонна калава ҳамда 74,4 миллион метр тайёр газлама истеъмолчиларга етказиб берилмаганлиги тўғрисида ташвишланиб гапирдилар.

Шу йилнинг май ойида бўлиб ўтган корхона партия ҳўжалик активининг йиғилишида камчилик ва нуқсонларни тезроқ йўқотиш йўллари белгилаб олинган эди. Корхонага 70 минг сўмликдан ортиқ ёрдамчи ва қурилиш материаллари ажратилди. Турар жой масаласи ҳам ижобий ҳал қилинмоқда. Бу йил комбинатга 30 минг квадрат метр турар-жой биноси ажратилди.

Конференция делегатлари ҳисобот даврида амалга оширилган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеологик ишларга ҳам баҳо бердилар. Бу соҳада ҳам партия ташкилотидан изланиш, ижодийлик талаб қилинади. Оталиқ ёрдамини кучайтириш, мураббийчилик ҳаракатини янада кенг авж олдириш лозим. Сиёсий ўқув системасида ҳам ишнинг янги формаларидан фойдаланиш зарур.

Конференцияда комбинат партия комитетининг янги составы, Фрунзе район партия конференциясига делегатлар сайланди.

Г. МАҲМАЕВА,
А. АБДУЛЛАЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Фарғона областида** қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область октябрь ойида энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 92,1 процент, сут тайёрлашни 91,1 процент, тухум тайёрлашни 83,5 процент, жун тайёрлашни 118 процент бажарган. Байроқ Самарқанд областидан олиб берилади;

Тошкент областининг Калинин райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров). Бу район октябрь ойида энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 148,4 процент, сут тайёрлашни 105 процент, тухум тайёрлашни 81,1 процент, жун тайёрлашни 159,8 процент бажарган. Байроқ Тошкент областининг Тошкент районидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Шаҳрисабз райони, Андижон областининг Комсомолобод райони, Самарқанд область Жомбой районидаги «Октябрь» колхозига, Бухоро область Ғиждувон колхозлараро қорамолларни сўқимга боқиш корхонаси, Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Чкалов номли колхоз, Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Мўйноқ» совхози, Сирдарё область, Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози, Фарғона давлат зотли паррандачилик заводи, Жиззах область Ғаллаорол районидаги «Узплодоовощчвинпром» бирлашмасига қарашли «Коммунизм» совхози, Қашқадарё область Қарши районидаги «Главсредазирсовхозстройга қарашли «Аврора» совхози, Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги давлат комитетининг Хоразм балиқ комбинати, Наманган область, Тўрақўрғон район матлубот союзи қорамолларни сўқимга боқиш хўжалигига берилади.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

БОЛАЛАР ТОВАРЛАРИ КЎПАЙСИН

Областимизда болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, бундай моллар билан савдо қилишни кенг йўлга қўйиш борасида бир мунча тадбирлар амалга оширилди. Ҳақиқатан кейинги йилларда болаларнинг янги хил кийимларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг ассортиментини кўпайтириш учун курашилмоқда. Бир қатор товарларга давлат Сифат белгисининг берилганлиги бунинг исботидир.

Лекин шуни таъкидлаб айтиш керакки, болалар учун ишлаб чиқарилаётган турли кийимларнинг сифати ва ассортименти ҳозирги талабга тўла жавоб бермайди. Чирчиқ болалар кийимлари ва Янгийўл пойафзал, Олмалиқ тикувчилик фабрикалари ишлаб чиқараётган молларга рекламациялар келмоқда.

Айрим корхоналарда етарли ишлаб чиқариш қувватлари, майдон ва керакли технологик ускуналарнинг, шунингдек, хомашёнинг етишмаслиги туфайли болалар учун кийимлар ишлаб чиқариш кескин кўпаймаяпти.

Область ижроия комитети йиғилишида болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ва бу моллар билан савдони яхшилаш масаласи кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Қарорда шаҳар ва район ижроия комитетлари, бирлашмалар ва иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, савдо бошқармаси, область матлубот союзи правлениеси ва бошқа бир қатор ташкилотлар олдига конкрет вазифалар қўйилди.

ОМОНАТ КАССАЛАР ХИЗМАТИНГИЗДА

Кейинги йилларда омонат кассалар тармоғи сезиларли даражада кенгайди. 41 та янги омонат кассаси очилди. Иш режими такомиллаштирилди. Омонат кассаларда жамғармачиларнинг пули 188 миллион 264 минг сўмга ёки 72 процентга кўпайди.

Йилдан-йилга халққа, корхона ва ташкилотларга ҳисоб-касса хизмати кўлами кенгайтирилиб борилмоқда. Областимиздаги 5 район ва 24 шаҳарда 12 минг ишчи ва хизматчига маош омонат кассалар орқали тўланяпти. Бу эса ишчи ва хизматчиларнинг иш вақтини тежаш ва қулайликлар яратишда яхши самара бераяпти.

Халқдан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилиш кенгайтирилмоқда. Омонат кассаларнинг 97,3 процента бу ишга жалб этилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халққа хизматни яхшилаш мақсадида беш йилликнинг ўтган даври ичида барча қулайликларга эга бўлган 59 та янги бино омонат кассалар ихтиёрига берилди.

Ҳақиқатан, омонат кассалар ишини такомиллаштириш учун кўп ишлар қилинаяпти. Лекин область бошқармаси ишида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи жойларда ҳисоб-касса хизмати ва бошқа шу каби прогрессив форма ва методларни жорий этиш ва такомиллаштиришга етарли эътибор берилмаяпти. Йиғилишда шу каби бир қатор камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш топширилди.

КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК

Ҳар бир киши ўз ҳаётида бир неча марта бўлса ҳам нотариал идораларга мурожаат этади. Бу ерда иш қанчалик малакали ташкил этилса, ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилса кейинги оворагарчиликларга чек қўйилади.

Нотариуслар, шунингдек, ижроия комитетда ана шу иш билан шуғулланувчиларнинг профессионал билимини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиб турилмоқда, стажировкалар уюштирилаяпти. Ходимлар малакани ошириш курсларида ўқишади. Ҳар йили область миқёсида «Энг яхши нотариал контораси» шиори остида кўрик-конкурс ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида нотариал ишларни яхшилашда яхши самара бермоқда.

ЗАГС органлари янгича урф-одатларни ҳаётга тарғиб этиш, граждан ҳолати актлари регистрацияси қоидаларига амал қилиш бўйича намунали ишларни амалга ошираяптилар. Кейинги йилларда турли темаларга бағишланган 15 мингдан ортиқ семинарлар ўтказилди. Шунингдек, жойларда суҳбатлар, докладлар, лекциялар ташкил этилди.

Область ижроия комитетининг қабул қилган қарорида илғор тажрибалар таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга ЗАГС бўлимлари ходимларининг фаолиятида юз бераётган камчиликлар, шу жумладан граждалик ҳолати актини регистрация қилишдаги сан-салорлик ва бюрократизм қаттиқ танқид қилинди.

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ ЙЎҚ

ҚИШ ЭШИК ҚОҚЯПТИ, ТАЙЁРМИСИЗ?

ТОШКЕНТ. Бу сўзнинг довруғи бутун дунёга кетган. Кейинги ўн беш йигирма йил ичида пойтахтимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шаҳарда ҳамон қурилиш ишлари жадал давом этяпти. Охунбобоев майдонида қад кўтараётган йигирма икки қаватли «Москва» меҳмонхонаси шаҳримизнинг энг баланд биноси бўлади. 1981 йилда фойдаланишга топширилиши лозим бўлган бу бинода қурилиш ишлари қандай кетяпти?

Қурилиш объектига кириб боришимиз билан кўрсаткичлар тахтасига кўзимиз тушди. Ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётган бригадаларнинг ойлик иш якунлари акс этган бу тахтани кўрган киши қурилишда иш қизғин бораётган бўлса керак, деб ўйлайди. Чунки, учала комплекс бригада пудрат усулида меҳнат қиляпти.

11-трестга қарашли 75-қурилиш бошқармасининг Н. Қодиров бошчилик қилаётган бригадаси ана шуларнинг бири.

— Коллективимиз ҳар ойда 18—20 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираяпти, — дейди бригадир.

— Ойлик планлар ҳар ойда оширибми бажарияпсизми?

Бу савол бригадирни бироз ўйлантириб қўйди.

— Очиғини айтганда — йўқ. Сабабини билмоқчи бўлсангиз — қурилиш материаллари вақтида етиб келмаяпти. Иўқса, план уёқда турсин, мажбуриятларни ҳам муntазам ошириб бажарган бўлардик.

Бу фикрни қурилиш прораби Тоҳир Зокиров ҳам тасдиқлайди:

— Объектда ишни 1976 йилда бошлаганмиз. Аввалига жадал суръат ҳукм сурди. Газеталарда ёзишди, телевизорда кўрсатишди, ҳатто ҳужжатли фильм ҳам олишди. У пайтда ойлик планларни ошириб бажарардик. Лекин ҳозирга келиб «Главташкентстрой»нинг 1-, 8-, ва 9-темир-бетон буюмлари заводлари бизга шартномадаги буюмларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Натижада ишимизда унум бўлмаяпти, планлар оқсамоқда. Масалан, 8-завод ҳар ойда ўртача 25 тонна арматура бериши керак. Амалда эса бу рақам 12,5 тоннадан ошмаяпти. Бетонни эса 100—150 кубометр кам олияпмиз. 9-завод ҳар ойда тўсувчи материаллар (перегородка)дан 35 кубометр етказиб бериш ўрнига атиги 12 кубометр бермоқда. Қурилиш материаллари саноати министрлигига қарашли тажриба-механика заводи гипс бетонли тўсиқлардан ҳар ойда 350 квадрат метр етказиб бериш ўрнига унинг ярмини зўрга беряпти. Бундай камчиликларни санайверсак адо бўлмайди.

Бу улкан қурилишда ҳар ойда бош план бўйича 150 минг сўмлик иш бажарилиши керак. Юқоридаги камчиликлар туфайли 95—100 минг сўмлик иш амалга ошириляпти, холос.

Эрта-индин қаҳратон қиш келади. Очиқ қурилиш майдонида ишлаш бирмунча оғирлашади. Айни ёруғ ёз кунларида қурилиш материалларининг вақтида келмаслиги туфайли йиллик планда белгиланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бажарилмаслиги қаҳратон совуқ кунларда яна ҳам ишга салбий таъсир кўрсатади. Агар юқорида номлари санаб ўтилган заводлар «Москва» меҳмонхонаси қурилишига муносабатни ўзгартиришмаса — аҳвол чатоқ. Бу ҳақда «Главташкентстрой» ҳамда қурилиш материаллари саноати министрлиги маъмурияти жиддий ўйлаб кўриши керакка ўхшайди.

Б. АКБАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

159-қурилиш трести «Главташкентстрой»нинг илғор бўлинмаларидан бири ҳисобланади. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган бунёдкорлар асосий кўрсаткичлар бўйича зиммадаги план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариб келишмоқда.

Трестда бригадаларо мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги ва яхши йўлга қўйилганлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур қурувчи Николай Злобиннинг бригада пудрати усулини жорий этишга яхши эътибор берилганлиги муваффақиятлар омили бўляпти. 9-қурилиш бошқармасининг илғор усулда меҳнат қилаётган Ринат Гайнулин ва Владимир Миллер бошлиқ бригадалари бир беш йилликда икки беш йиллик планнин бажариш мажбуриятини олишган эди. Улар ваъдага вафо қилиб, айни кунларда 1986 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишлаяпти. 10-бошқарманинг Н. Содиқов, Н. Ҳакимзянов, 22-бошқарманинг В. Воронов, Т. Сумилидис, 8-бошқарманинг П. Равшанов, Р. Расулов, В. Гоммер, И. Исмоилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари беш йиллик планни СССР Конституцияси куни арафасида муваффақиятли бажардилар. КПСС нинг XXVI съезди шарафига бошланган мусобақада трест коллективининг 2100 қурувчиси актив иштирок этяпти. Трестдаги мавжуд 86 бригаданинг 44 таси Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном эгасидир. Шундан 33 бригада бригада пудрати усулида иш юритмоқда.

Илғор усул билан ишлаётган коллективлар орасида Абдулла Тожибоев, Абдуазим Юнусовлар бошчилик қилаётган бригадалар юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Трестнинг саккиз бригадаси свердловсклик илғор қурувчиларнинг беш кунлик планни тўрт кунда бажариш ташаббусига қўшилиб ишлаб, салмоқли ютуқларга эришмоқдалар. Абдуазим Юнусов, Тамара Усольцева, Ринат Гайнулин бошлиқ бригадалар шу ташаббус асосида меҳнат қилишяпти.

Трест бўйича йил бошидан бери 23 ихтирочилик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, бундан 257 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Бош пудрат бўйича тўққиз ойлик план 102,2 процент бажаризди. Пландаги 16 миллион 603 минг сўмлик ўрнига 16 миллион 965 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу йил 960 ўринли болалар боғчалари, 3136 ўринли мактаб бинолари, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг 224 ўринли ётоқхонаси, фахрий ветеранларнинг 4288 квадрат метр саҳнли ётоқхонаси, ТИНИМСХнинг ўқув корпуси, йилига 7 миллион паширос ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тамаки фабрикаси, 110 ўринли «Саёҳат» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Трест коллективи ўз кучлари билан ўнинчи беш йиллик планини СССР Конституцияси арафасида бажардилар. Беш йиллик мобайнида бош пудрат ишлари бўйича пландагига қўшимча 4,9 миллион сўмлик, ўз кучлари билан эса 2,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилишди. Айни кунларда барча резерв ва имкониятлар ана шу оширилган мажбуриятларни адо этишга, бу билан КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этилмоқда.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

БАРАКАЛИ ПАХТА ХИРМОНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили пахтачиликда рекордлар йили бўлди. Республикамиз меҳнаткашлари уйғон «оқ олтин» хирмонлари 6,1 миллион тоннадан ортди. Пойтахт областимизда эса 480 минг тонналик марра эгалланди. Районимиз пахтакорлари 72 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаб, оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажардилар. Районимиз пахтачилиги тарихида биринчи бор бу даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Бу қувончли ғалабалар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган кундалик ғамхўрликлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг катта ташкилотчилик ишлари, пахтакор ва механизаторларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари натижасидир.

Якунловчи йилда районимиз хўжаликлари ўртасида пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйди. Бу мусобақада Ленин номли колхоз пахтакорлари ажойиб натижаларга эришдилар. Улар 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 8100 тонна қимматли ҳом ашё сотдилар. «КПСС XXV съезди» совхози коллективи 10 минг тонналик хирмон уйди. Дзержинский номли колхоз, «Ленинград», «Далварзин» совхозларида ҳосилдорлик 33—37 центнер-га етди.

Шуниси диққатга сазоворки, асосан адирликларда пахта етиштираётган районимиз қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ҳам 50—60 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Мўл ҳосил устаталарининг бу ташаббусига қўшилган «Далварзин» совхозидан Бобохон Отахонов, Ойбек номли совхоздан Баллами Тўхтабоев, Ленин номли колхоздан Адолат Рўзиматовалар мутасил равишда ҳар гектар майдондан 55—60 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олмоқдалар. Улар сафи «КПСС XXV съезди» совхозидан Нуриддин Аъзамов, Ленин номли колхоздан Жўрабой Оллоназаров, Дзержинский номли колхоздан Зикир Хўжабековлар сингари ёш пахтакорлар ҳисобига тобора кенгайиб бораяпти. Улар бошлиқ бригадалар пахтакорлари ҳам якунловчи йилда 50—55 центнердан хирмон уйишди.

Мўл ҳосил етиштиришда ҳам, уни йиғиб-териб олишда ҳам дала гвардиячиси номларини оқлаган механизаторларимиз меҳнат шижоатини алоҳида таъкидлаш керак. Уларнинг терим агрегатларидан унумли фойдаланганликлари, астойдил ғайрат қилганликлари туфайли терим суръати ҳар қачонгидан ҳам жадал бўлди. Районда пахта тайёрлаш йиллик ҳажми 6 октябрда, давлатга 67 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олган дастлабки мажбуриятимиз 17 октябрда бажарилди. Умуман районда 430 та «зангори кема» ишлади. Машиналар билан ялпи ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи териб олинди. Район бўйича ҳар бир пахта териш машинасининг мавсумдаги иш унуми 120 тоннани ташкил этди. Моҳир механик-ҳайдовчилардан Дзержинский номли колхоздан Отамурод Саъдуллаев, «Ленинград» совхозидан Сулаймон Имомов, «КПСС XXV съезди» совхозидан Фармонқул Суярқулов, Ленин номли колхоздан Нуъмон Мирзаев ва бошқалар агрегатлари бункеридан хирмонга 260—280 тоннадан пахта тўкишди.

Хўжаликларда пахта йиғим-терими даврида кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган юзлаб теримчилар пахтазорларда мисли матонат кўрсатишди. Айниқса, «КПСС XXV съезди» совхозидан Жамила Бойқўзиева, «Коммунизм» колхозидан Ортиқжон Тошматова, Ленин номли колхоздан Тожихол Холмонова, «Далварзин» совхозидан Адолат Умаралиева ва бошқалар 12—15 тоннадан пахта териб, кўпчиликка ибрат бўлдилар.

Ўроқ ва Болға иттифоқига содиқ шаҳарликлар, ўқув юртларининг коллективлари ўзларини пахтакор деб ҳис этиб, районимиз меҳнаткашларига ёрдамга келдилар. Биз якунловчи йил мўл ҳосили тақдири ҳал қилинаётган дамларда пахтакорларимизнинг мададкорлари бўлган пойтахтдаги Ҳамза, Октябрь, Фрунзе, Чилонзор, Собир Раҳимов ва бошқа районлар, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари ишчи-хизматчилари, ўқув юртларининг коллективларидан миннатдормиз.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари гоят масъулиятли мавсум — йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш учун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборди-лар. Пахта теримида коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Барча терим-транспорт отрядларида муваққат партия группалари ташкил этилди. Колхоз ва совхозлардаги юзлаб агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар «Билим» жамияти лекторлари партия сўзини оммага етказиш, социалистик мусобақа ошкоралигини таъминлаш учун жонкуярлик кўрсатишди. Район медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ташкилот ва муассасаларининг иши йиғим-терим даврида далага кўчирилди. Амалга оширилган бу тадбирлар пахтакор ва механизаторларнинг, ҳашарчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма нарсани муҳайё қилиш имконини берди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, районимизда пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик план ҳам оширилди. Давлат қабул пунктларига беш йиллик бошидан бери 350 минг тонна, планда белгиланган-дан 43 минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилди. Беш йиллик давомида пахта тайёрлаш 10 минг тоннага кўпайди. Бунга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Бу давр-да пахта ҳосилдорлиги 22,5 центнердан 31 центнерга етди.

Районимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам ривожланиб бораяпти. Давлатга дон, пилла, мева, узум, полиз маҳсулотлари сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик планлари анча ошириб адо этилди. Жамоат чорвачилиги жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Беш йиллик мобайнида чорвадорларимиз аҳоли дастурхонига 6845 тонна гўшт, 38240 тонна сут, 13,2 миллион дона тухум тортиқ қилишди. Якунловчи йил планлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Бекободликлар барча совет халқи қатори КПСС Марказий Комитети октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларини ўзлари учун ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Улар янги беш йилликнинг дастлабки йилида бу йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янги, янада улкан марраларни эгаллаш режаларини белгиламоқдалар. Бунинг учун ҳозирдан пухта замин тайёрланмоқда. Ҳосили тўла йиғиштириб олинган майдонларни ўгитлаш ва шудгор қилиш авж олди. Районимизда кузги шудгорлашни 15 ноябргача тугаллашга қарор қилганмиз.

З. МАҲСУМОВ,
Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари.



ОЙША Фитаева Чирчиқдаги трансформатор заводининг пешқадами. У ўн икки йилдан буён шу корхонада фидокорона меҳнат қилиб, айни кунларда назоратчи мастер вазифасида ишлаяпти.

В. Сироткин фотоси.

АНАСТАСИЯ ЧУДНАЯНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтига қарашли «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудная Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажарди. У йил бошидан бери ўзига бириктирилган 172 та сигирдан 715 тонна сут соғиб олди.

Бу муваффақиятда Анастасия Ивановнанинг тажрибаси ҳал қилувчи роль ўйнади. У ўзининг беш йиллик планини муддатидан илгари — 4 йилу 2 ойда бажарди. Чудная ҳозирги пайтда 1981 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишламоқда.

Машҳур сут соғувчи КПСС XXVI съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилиб, беш йилликнинг якунловчи йилида 820 тонна сут соғиб олишдан иборат янги маррани белгилади. Бу ўтган йилдагидан 12 тонна кўпдир.

(ЎзТАГ).

БЕДАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

«Чиноз» наслчилик совхоз техникумининг беда етиштирувчилари экилган ўтларни олтинчи марта ўриб олдилар. Меҳнатни оқилона ташкил этиш, экинларни яхши парвариш қилиш ҳисобига мавсум бошидан буён мўл-кўл пичан ўриб олинди. Бу мажбуриятдагидан анча кўпдир. Мамадали Саркинбоев бригадаси рекорд ҳосил — гектаридан 240 центнердан беда ўриб олди.

Хўжалик озуқа етиштирувчилари бу йил беда ўримини одатдагидан барвақт бошладилар — апрель ойидаёқ далаларга ўрим агрегатлари чиқарилди. Деҳқонлар ўримлар орасидаги даврларни қисқартиришга эришдилар. Ҳар бир ўримдан сўнг улар бедазорни дарҳол суғориб, минерал ўғит билан озиқлантирдилар.

Ўтлардан олинган юқори ҳосил хўжалик беда етиштирувчиларига қиш учун 4,5 минг тонна пичан, 11 минг тонна сеналж, 650 тонна ўт талқони ғамлаш имконини берди. Бу — пландагидан бир ярим, икки баравар кўпдир. Шундай қилиб наслчилик совхоз-техникумида қора моллар тўйимли озуқа билан таъминланди. Бу йил хўжаликда ҳар бир сигирдан 5 минг килограммгача сут соғиб олиш кўзда тутилган. Сут етиштириш ва тайёрлаш плани бу ерда барвақт адо этилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ

СУЛИМ Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилига жойлашган «Комсомол 60 йиллиги» совхози далалари фусункор. Оржоникидзе районига қарашли мазкур хўжалик территорияси бир пайтлар тўқайзор ва ботқоқликдан иборат эди. Қўли гул деҳқонларининг жасоратли меҳнатлари билан ботқоқлик қуритилиб, тўқайзор чекинтирилди. Ўша ташландиқ жойлар ўрнида кўркам бинолар қад кўтарди. Боғ-роғлар барпо этилди. Деҳқонлар янги очган ерларига барака уруғи қадашиб, мўл ҳосил ола бошлашди.

Аввалига, «Қизил Ўзбекистон» колхозига қарашли бўлган бу территорияда Оржоникидзе номли совхоз, кейинчалик эса «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози вужудга келди. Хўжалик деҳқонлари 269 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Улар бу йил 11 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 840 тонна картошка етиштириш бўйича юксак социалистик мажбурият олганлар. Деҳқонларнинг самарали меҳнатлари эвазига ҳозиргача 6000 тонна сабзавот маҳсулотлари, 400 тонна картошка шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилди.

Айрим экин турларидан баракали хирмон кўтарилляпти. Жумладан, 1035 тонна ўрнига 1414 тонна пиёз етиштирилди. Шунингдек, 610 тонна ўрнига 798 тонна ош лавлаги, 400 тонна помидор, 300 тонна мева етиштириб берилди.

— Хўжалигимиз ташкил топган йили кўпгина қийинчиликларга дуч келдик,— дейди совхоз директори Қурбонбой Қаландаров.— Авваламбор, экин майдонларимиз ортиқча зах бўлиб, ҳосилдан кўра кўпроқ ўт битарди. Миришкор деҳқонларимиз кўпгина жойларда зовурлар ўтказдилар. Натижада экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Шунингдек, экин майдонларимизни сифатли шудгорлашга ҳамда маҳаллий ва минерал ўғитлар билан етарли даражада озиқлантиришга алоҳида аҳамият бердик. Экинлар парваришини қатъий агротехник қоидалар асосида олиб бордик. Деҳқонларимиз экинга ишлов беришнинг янги усулини синаб кўра бошлашди. Яъни эгат ораларига тиғ билан чуқур ишлов бериш орқали экин илдизларига ўғит шарасининг мукаммал етиб бориши таъминланди. Тажрибамиз ижобий самара кўрсатди. Ниҳоллар тез ва бақувват ривожлана бошлади. Шу тарзда мўл ҳосил учун мустаҳкам замин вужудга келди.

Хўжалик деҳқонлари зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда совхоз далаларида ҳосил йиғим-терими давом этмоқда. Ҳар куни давлат қабул пунктларига 100 тоннадан зиёд сифатли маҳсулот етказиб турилибди. Хўжаликнинг Аймаҳон Мустафоев, Малика Мухторова, Обид Жонибеков, Илаш Ибрагимовлар етакчилик қилаётган бригадалари коллективлари ҳосил йиғим-теримида пешқадамлик қилмоқдалар. Мазкур коллективларнинг ҳар бири кунига давлатга 10 тоннагача сабзавот маҳсулотлари топширмоқда.

Хўжаликда асосий иш техника зиммасига юкланган. Ерга уруғ қадашдан тортиб, етилган ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишлар механизация воситасида амалга оширилмоқда. Бу йил хўжалик деҳқонлари 52 гектар майдондаги помидор ҳосилини техника ёрдамида териб олдилар. Бу майдонларга помидорнинг «Мичест», «Қалжи» сингари серҳосил навлари экилган эди.

И. ТЎРАҚУЛОВ.

СОҲИБКОР ҚИЗ

Сессияни олиб борувчи унинг сўровини ўқиб берди:

«Қибрай» посёлка совети ижроия комитети ва совхоз-завод маъмуриятига Садовая кўчаси истиқоматчиларидан ариза тушганига анча бўлди. Сайловчилар кўча, турли йўлларни асфальтлаш, ёритиш системалари ўрнатишда кўмаклашишни илтимос қилишган эди. Лекин ҳақли талаб ҳанузгача бажарилмади. Сессия депутатлари иштирокида алоқадор раҳбарлардан тезда зарур чоралар кўришларини сўрайман...

Залга қисқа муддат жимлик чўкди. Қиз ҳаяжон ичида минбар томон кўз тикди. Посёлка Совети ижроия комитетининг раиси Т. Эргашев, район электрлаштириш тармоғининг бошлиғи А. Комиловлар аҳоли истагини ўз вақтида бажара олмаганликларининг сабабларини изоҳлаб, яқин кунларда амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида ахборот беришди. Совхоз-завод директори К. Холмирзаев кўчани асфальтлаштиришни келгуси йил давлат планига киритиш кўзда тутилаётганини билдирди. Район Советининг сессияси кўчани ёритиш ва асфальтлаштириш юзасидан қарор қабул қилди.

Қизнинг чеҳраси ёришди. Келгуси ҳафтада ўзини депутат қилиб сайлаган 95-сайлов округи сайловчилари билан учрашувга ёруғ юз билан боришини ўйлаб қувониб кетди...

Район Советининг депутати Манзура Жўраева ўн йилдан буён хўжаликнинг боғдорчилик бригадасида ишлайди. Ҳалол меҳнати уни элга танитди, ҳурмат-эътибор топди. Бир неча марта «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1975 йилда эса «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Ҳамқишлоқлари катта ишонч билдириб, район Советининг депутатлигига сайлашди.

— 55 гектар боғимиз, бир гектарлик теплица хўжалигимиз бор, — дейди бригада бошлиғи Умри Улуғхўжаева, — Ҳар йили 700—800 тонна ва ундан ҳам ошириб олма ҳамда бошқа мевалар топшираяпмиз. Ҳар йили 2 миллиондан зиёд помидор ва карам кўчатлари етказиб берамиз. Депутат Манзура Жўраева кузги ишларни бажаришда ҳам кунлик нормасини бир ярим баробарга етказиб адо этаяпти.

Манзура Жўраева район Совети план-бюджет доимий комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам активлик кўрсатмоқда. Комиссия кейинги чақириқ маҳаллий Советларига сайловлардан буён уч марта кенгаш ўтказди. Унда жумладан район экономикасини юксалтиришнинг ярим йиллик якуни муҳокама этилди, Тошкент консерва комбинатининг фаолияти таҳлил қилинди. Манзура Л. Чикерова, И. Усмоновлар билан биргаликда «Рўзғорхўжалик буюмлари фабрикаси-да ярим йиллик план ва социалистик мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида»ги масалани тайёрлаб, район Советининг сессияси муҳокамасига қўйди.

Депутат биз билан учрашувда боғлар саҳоватли, соҳибкорликнинг сир-асрорини ифтихор билан тилга олди.

Суҳбат давомида соҳибкорлик билан боғлиқ тақдири, ҳавас қилса арзигулик ишлари, келгуси режалари ҳақида ҳам жўшиб гапириб берди. Биз унинг сўзларидан меҳнат бахт келтиради, деган ҳалқ мақолининг нақадар тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

А. БОБОБЕКОВ,
Оржоникидзе райони.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — АМАЛДА

Дунё овози
чет эл хабарлари

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН, ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

Чет элларнинг оммавий ахборот воситалари Москвада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрам қилинишига катта эътибор берди. Чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Кремлдаги қабул маросимида сўзлаган нутқини, шунингдек КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг Кремлдаги съездлар саройида бўлиб ўтган тантанали мажлисда қилган докладини ҳамда СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг Қизил майдондаги қўшинлар парадидаги нутқини шарҳлаб, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати доимо агрессияга ва урушга тайёргарлик кўришга қарши ҳамда мустаҳкам тинчлик ва халқларнинг хавфсизлиги учун курашга қаратилиб келганлиги туфайли Ленин партияси, Совет Иттифоқи халқаро майдонда зўр обрў-эътибор қозонганлигини таъкидламоқда.

Бугун Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг марказий газеталари Кремлдаги тантанали мажлис тўғрисида батафсил ҳисоботлар эълон қилишди.

Польша радиосининг мухбири меҳнаткашларнинг намойиши тўғрисидаги репортажида таъкидлашича, ишчилар, хизматчилар, олимлар ва бошқа тинч касбларнинг намояндалари Қизил майдондаги намойиш вақтида меҳнатдаги муваффақиятлари тўғрисида рапорт бердилар, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга чақирдилар.

Мана шу улуғвор намойишда, деб уқтиради **Болгариянинг БТА агентлиги,** Л. И. Брежнев мутлақо ҳақли равишда айтганидек, СССРнинг турмушига, КПСС билан совет давлатининг сиёсатига ҳос фазилат: ўз кучига ишонч, мустаҳкам тинчлик учун актив кураш, халқ бахт-саодати йўлида, коммунизм йўлида зўр ғайрат билан ижодий меҳнат қилиш ўз ифодасини топди.

Советлар мамлакати коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида комил ишонч билан олға бормоқда, деб ёзади ГДРдаги **«Нойес дойчланд»** газетаси. Унинг иқтисодий потенциали — қудратли. Совет Иттифоқи ҳозир бутун ер юзидаги саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг қайд этишича, Москвадаги тантанали мажлисда Оқ уйнинг янги маъмурияти иккала мамлакат ўртасидаги муносабат масалаларига амалий равишда ёндашади, деган ишонч билдирилди.

Англиядаги чиқадиган **«Таймс»** газетаси Москвадаги ўз мухбирининг хабарида Совет Иттифоқи АҚШ билан муносабатларида қандайдир бир ёқлама устунликка интилгани йўқ ва интилмайди, ҳарбий устунликка ҳаракат қилмайди, деб уқтиради.

Кремлдаги қабул маросимига таклиф этилган чет эллик меҳмонларга қилган мурожаатида Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи ўз тинч сиёсатининг тинчлик йўлига муттасил содиқ бўлиб қолади, қуролланиш пойгасига ва ҳарбий авантюраларга қарши, барча давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қатъият билан курашаверади, деб шу меҳмонлар орқали бутун дунёни ишонтирди, дейилади Франс пресс агентлигининг хабарида.

(ТАСС).

ПОЛЬША ВА СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАШҚЛАРИ

ВАРШАВА, 9 ноябрь. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, ўқув планига ва кўп йиллик анъанага мувофиқ полигонларнинг бирида Польша қўшини бўлинмалари билан Совет Армияси қўшинлари шимолий группасининг машқлари бўлиб ўтди. Польша ва совет жангчилари биргаликдаги машқларда ўзларининг жанговар маҳоратларидан амалий имтиҳон топширдилар.

Машқлар ҳар иккала армиянинг жанговар шайлигини, турли даражалардаги қўмондонлик ва штабларнинг бақамжиҳат ҳаракатларини такомиллаштиришнинг, дўстликни ҳамда иккинчи жаҳон уруши йилларида вужудга келган поляк—совет қуролдош қардошлигини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришнинг яхши формаси бўлди.

ОЛИМЛАР ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

БОНН. Европанинг 14 мамлакатидаги бир гуруҳ таниқли социолог олимлар тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатиш жараёнини барқарорлаштиришга кўмаклашишни, Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган конференцияни ўтказишни талаб қилиб чиқдилар. Улар бу соҳадаги ўз таклифларини Боннда бўлиб ўтган матбуот конференциясида баён этиб бердилар.

«Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Мадридда очиладиган учрашуви бирон-бир давлатни Хельсинки Якунловчи актини бузишда айблайдиган жой бўлиб қолмаслиги керак. Бу анжуманнинг мақсади — кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва бу жараённи янада ривожлантиришдан иборат», — деди Ғарбий Германия социолог олими Петер Шлоттер. Лейден давлат университети (Нидерландия) ҳузуридаги халқаро тадқиқотлар институтининг директори Филип Эвертс ўз мамлакати территориясида ядро қуроли жойлаштирилишига кескин қарши чиқди. ССРнинг қуролсизланиш соҳасида ўз ташаббуси билан кўраётган тадбирларига ва Совет Иттифоқининг ўртача олисликка учадиган ракета-ядро қуроли соҳасидаги музокаралар тўғрисидаги таклифларига ғарб мамлакатлари салбий назар билан қараётганликлари хусусида чуқур таассуф билдириш мумкин, халос», — деди у.

«ҚОТИЛ» ТУФОН

МАНИЛА. Бу ерда Филиппиннинг шимолий қисмидаги 113 та район «фалокат зоналари» деб эълон қилинди. Шу районларда «Батти» тўфони сурункасига бир неча кун давомида қутуриб, ҳамма ёқни ер билан яксон қилди. Довул пайтида турган шамолнинг тезлиги соатига 260 километрга етди. Даҳшатли тропик жала натижасида кучли тошқин рўй берди — сувнинг сатҳи бир метрдан зиёд кўтарилди. Расмий статистика маълумотларида айтилишича, табиий офат натижасида 68 киши ҳалок бўлди, 50 киши дом-дараксиз йўқолди, 588 мингга яқин киши бошпанасидан маҳрум бўлди. Мамлакатнинг халқ хўжалигига катта моддий зарар етди, Филиппиннинг «гуруч кони» — Лусон оролининг ҳосилдор ерлари пайхон бўлди. 54 миллион доллар зиён кўрилди, деб ҳисобланмоқда.

Бу ердалар «Бетти» тўфонини ҳақли равишда «қотил» деб атадилар.

(ТАСС, 10 ноябрь).

«ЯШАШ ҲУҚУҚИ УЧУН ЮРИШ»


ВАШИНГТОН. Индеец қабилалар вакилларининг «Яшаш ҳуқуқи учун юриш» номи остида АҚШ пойтахтига қилган юриши тугади. Юриш қатнашчилари бир ҳафта давомида Вашингтонда бўлиб, Америка туб аҳолисининг мушкул аҳволига маъмурларнинг эътиборини жалб қилишга уриндилар. Пойтахт марказидаги Ж. Вашингтон ҳайкали ёнида индеецларнинг вигвамлари қурилди. Сан-Франциско-дан Вашингтонгача юриб келган шу намойишнинг иштирокчилари индеецларга нисбатан ўтказилаётган геноцид сиёсатига қарши норозилик билдирдилар, маъмурлар тўқиб чиқарган сохта айб билан қамоққа олинган ўз раҳбари Л. Пелтиер озодликка чиқарилишини, АҚШдаги фуқаролик ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш тўхталишини талаб қилдилар. Улар беъмани қуролланиш пойгасига чек қўйилишини, бундан бўшатиб олинган маблағ ички социал муаммоларни ҳал этишга ишлатилиши кераклигини ҳам айтдилар.

ИРҚЧИЛАРНИНГ ЗУЛМИ

ЛУАНДА. Порт-Элизабетдан олинган хабарларда айтилишича, Жанубий Африка полицияси шу шаҳарнинг африкаликлар яшайдиган жойларида ирқчиликка қарши намойишларнинг яна беш қатнашчисини қамоққа олди. «Тартиб посбонлари» ирқчилик тартибларига қарши норозилик намойишчиларни ўққа тутганларидан кейин мана шундай тинч намойишчиларнинг қатнашчилари ушлаб олиб кетила бошлади. Маъмурларнинг қонли зулми натижасида африкаликлардан олти киши халок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди.

Йоханнесбургдан олинган маълумотларга кўра, қўғирчоқ Сискей Бандустанининг полицияси африкалик ишчилар касаба союзларининг икки раҳбарини қамоққа олди.

(ТАСС, 10 ноябрь).




КАМПУЧИЯ. Республикада Пекин режимининг қолдиқларини тугатиш, ишлаб чиқаришни юксалтириш учун улкан тадбирлар амалга оширилаётир. Пномпенннинг ўнлаб саноат корхоналари хилма-хил маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқармоқда. Бу йилги қишлоқ хўжалик мавсумида бир ярим минг гектар майдонга шоли экиш планлаштирилган. Бу аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имконини беради. Суратда: Кампот вилоятидаги шолизорларда.

Б. Калашников фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА







Октябрь байрами шодиёналари «Пахта байрами» тантаналарига уланиб кетди. Тошкент отчопарида республикамиз деҳқонларининг анъанавий «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Бунда мўл ҳосил усталари республикамиз санъат аҳлининг концертларини, етакчи спортчиларнинг ҳамда моҳир чавандозларнинг мусобақаларини томоша қилдилар. Суратларда: (чапдан ўнгга) республикада хизмат кўрсатган артист Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Хайрулла Лутфуллаев қўшиқ айтмоқда: халқимиз нинг тарихий от ўйинларидан «Қиз қувмоқ» ҳамда қорабайирлар пойгасини кўриб турибсиз. А. Абалян фотолари.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ҲОЖАТБАРОР

Тун. Олам ширин ўйқуда. Шу пайт Султоновларнинг эшиги тақиллади. «Ким бўлдийкин». Ҳавотирлик билан эшикни очди, мезбон. Рўпарасида қўшниси турарди.

— Фотима билан Зуҳрамиз қаттиқ шамоллаб қолишибди, иситмаси кўтарилиб кетяпти. Иситма тушиradиган дорингиздан берсангиз, — илтимос қилди, шошиб қолган ота.

— Ҳозир, бир дақиқа кутиб туринг, — деди-ю, Маҳаммаджон жадал кириб, дори кўтариб чиқди.

— Буни ичириб туринг, эрталаб аптекага ўтсангиз укол дори тайёрлаб қўяман, ҳавотир олманг, тезда иситмаси тушади, — дея отани тинчитди.

Эртасига у сўзининг устидан чиқиб Фотима, Зуҳралар учун керакли дорини тайёрлаб қўйди.

Тошкентдаги 16-дорихона доришунос контролёри Муҳаммад Султоновнинг кундалик иш фаолиятида бундай воқеалар тез-тез учраб туради. У Тошкент фармацевтика институтини тугаллаб, шу дорихонага келиб ишлай бошлаганига роса ўн уч йил бўлди. Ана шу давр мобайнида бой тажриба орттирди. Халол хизмати, самимий хуш муомаласи билан одамлар ишончи, ҳурматини қозонди.

Дорихонага келган бемор унинг олдидан мамнун чиқади, борди-ю, у истаган дори бўлмаса шаҳарнинг қайси дорихонасида шу дориdan топилишини тайинлаб беради. Шунинг учун дори-дармон излаб келган кишилар Маҳаммаджоннинг ёнига тортинмай киришарди. Қандай янги препарат чиқса дарров ўқиб билиб олади. Сурункасига бир хил дори олиб юрадиганларга «энди бунинг ўрнини босадиган, ундан ўткир дори чиқди»,— дея беморни хабардор қилади.

Ўз касбига меҳридарё бу доришунос ҳақида яна анча илиқ сўзлар айтиш мумкин. Буни дорихонанинг таклифлар дафтарида ёзилган дил сўзларидан ҳам билиб олса бўлади.

А. МИРАМИНОВ, ўқитувчи.

АДАБИЙ ҚАҲРАМОН БАҲСИ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Бугунги кун адабиётида ижобий қаҳрамон проблемаси, қаҳрамон характерининг ҳаққонийлиги масаласи ҳар доимгидан ҳам актуал тус олди. Шунинг учун ҳам деярли барча адабиётшунос олимларимиз ўз тадқиқотларида бу масаланинг у ёки бу томонини ёритишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Адабётшунос олим Тўхта Бобоев ҳам ўз изланишларининг катта қисмини ижобий қаҳрамон масаласига бағишлаган. Қатор илмий асарлари билан танилиб келаётган тадқиқотчининг кенг китобхон оммасига мўлжалланган яна бир рисоласи яқинда мухлислар ҳукмига тақдим қилинди.

«Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Замондошимиз — адабиётимиз қаҳрамони» номли бу рисоласида олим олдинги тадқиқотларини изчил давом эттиради. Ижобий қаҳрамон характерининг бадиий асарда шаклланиш жараёни Ш. Рашидов, А. Мухтор, С. Аҳмад ва И. Раҳим каби қатор атоқли адиблар асари мисолида таҳлил этилади.

Чинакам санъат асари ўз даврининг актуал проблемаларини акс эттириш билан бирга келажак учун ҳам муҳим бўлган масалаларни қамраб олади. Бундай масалаларнинг ҳал этилиши асосан асарнинг бош қаҳрамони зиммасига юкланади, шунинг учун ҳам моҳирона яратилган бундай қаҳрамонлар яшовчан бўлади.

Шу маънода ёзувчи Ш. Рашидов асарлари таҳлили характерлидир. «Қудратли тўлқин», «Бўрондан кучли» романларида уруш ва ундан кейинги воқеалар тасвирланиб, Пўлат ва Баҳор, Ойқиз ва Олимжон ўша давр муҳитида ҳаракат қилсалар-да, бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки Пўлат ва Баҳор, Ойқиз ва Олимжонларнинг орзу-умидлари, интилиш ва ўй-фикрлари, бу асарларда кўтарилган мавзулар ҳозир ҳам актуаллик касб этмоқда. Ёшларни изланиш, ҳаётнинг янги-янги, мураккаб қирраларини ҳис қилиш руҳида тарбияламоқда.

Тадқиқотчи Пўлат ва Баҳор характери эволюциясини таҳлил этар экан: «Бу образларнинг ҳаётийлигини таъминлайдиган воситалардан бири шундаки, автор уларни турмушнинг мураккаб, зиддиятли ва қайноқ қозонига ташлайди»,— деган хулосага келади.

Демак, характерни шакллантирадиган, асосий ва зарур воситалардан бири — ҳаёт, ҳаётий конфликтдир. Характер шу конфликтлар билан тўқнашувда ўсади ва ривожланади.

Албатта, ҳар қандай ёзувчи ҳам ўз асарида ҳаётий воқеаларни акс эттириши мумкин, лекин ҳаммасиям китобхон онгига, қалбига таъсир қиладиган, уни эзгу ишларга ундайдиган даражада тасвирлай олмаслиги мумкин. Бу ижодкорнинг талантига, ишонтириш маҳоратига боғлиқ. Т. Бобоев Ш. Рашидов ва А. Мухтор қаҳрамонларининг ҳаётий бўлишига яна бир омил қилиб, ёзувчининг санъаткорлик маҳорати зарур эканлигини таъкидлайди. А. Мухторнинг «Опасингиллар» романидаги Онахон ички дунёси, психологиясидаги ҳар бир ривожланиш этаплари ҳаққоний бўлиши билан бирга, ижодкор томонидан эҳтиросли тасвирланиши ҳам конкрет таҳлил орқали ёритилади.

Маълумки, характерни очадиган, қаҳрамоннинг ҳаётийлигини таъминлайдиган воситалардан яна бири — бадиий деталдир. Т. Бобоев машҳур қирғиз адиби Ч. Айтматов ва С. Аҳмад асарлари мисолида бадиий деталнинг асардаги роли ва вазифаси ҳақида ибратли фикрларни айтади. Айниқса, С. Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидаги Икромжон характерини очувчи бир деталь (ўғли Турсунбойнинг ошхона деворидаги беш панжасининг изи детали) таҳлили характерлидир.

Бу ўринда олим ёзувчининг шу деталь орқали характер очишдаги санъаткорлигини мантиқан исботлайди. Лекин шундай бўлса-да, Икромжон образининг китобхонга таъсири ҳақида: «Китобхон Икромжоннинг оппоқ тонгда кела туриб қочоқ ёлғиз ўғли Турсунбойни ўлимга ҳукм қилишида — хоин ўғли Андрейни отиб ташлаган Тарас Бульбадаги шафқатсизликни, ёғочоёқ билан чўлқуварликни касб қилиб олишида — иккала оёқлари ампутация қилинган лочин Алексей Мересьевнинг қирувчи самолёт штурвалида ўтириб босқинчи ёвларга ажал уруғи сепишида намоён бўлган мислсиз қаҳрамонликни, энг оғир дамларда ҳам руҳан тетик ва иродасининг мустаҳкамлигида — Б. Горбатовнинг «Бўйсинмаганлар» повестидаги нуроний рус чоли Тарасдаги мардонаворликни кўради ва у билан фахрланади» деган фикрни айтади.

Табиийки, Тарас Бульба билан Алексей Мересьев ёки чол Тарас ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Улар бир-бирларига мутлақо ўхшамасликлари билан оригинал ва бу оригиналлиги уларни яратган, кашф қилган адибларнинг маҳорати ва меҳнати натижасидир.

Улар характеридаги етакчи хусусиятларни «Уфқ» романидаги асосий бўлмаган Икромжон образида ифодаланяпти, дейишнинг аҳамияти йўқ.

Т. Бобоевнинг мазкур рисоласидаги ижобий қаҳрамон, характернинг ҳаққонийлиги ва бадиий деталь ҳақидаги фикрлари илмий пухталиги ва ўқимишлилиги билан, фактларни ишонарли, асосли олиши билан диққатга сазовордир.

Қ. ҚАҲРАМОНОВ, ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ходими.

Реклама ва эълонлар

Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ

ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзалнинг устки қисмини бичувчи, аёллар сумкаларини тикиш бўйича тикувчилар, пойафзалнинг устки қисмини тайёрловчи, пойафзал тикувчи, ремонтчи-слесарь, фрезерчи, тайёр пойафзални қабул қилиш бўйича контролёр, электромонтёр, конструктор-модельер.

8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Ўқиш муддати—6 ой.

Билим юрти ҳузурида ишчи-ёшлар мактаби бор.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ВА ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Маданий ҳордиқ чиқариш учун Пойафзалчилар маданият саройи бор бўлиб, у ерда турли хил бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди. Саройда шунингдек катта спорт базаси бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, соғлиги тўғрисида справка, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84-автобус, 2, 6, 14-троллейбуснинг «1-пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 54-99-04.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

НОЯБРЬ ОЙИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАР ВА РАЙОН КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

„ОРҚАДАН УЗИЛГАН ЎҚ“

НОМЛИ ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРАДИ



Сценарий автори Николай ЛЕОНОВ. Постановкачи-режиссёр — Владимир ЧЕБОТАРЕВ. РОЛЛАРДА: ГУРОВ — Лев ПРИГУНОВ, ШУТИН — Михаил ВОЛКОВ, ВЕТРОВ — Игорь ОХЛУПИН, ПЕТРОВ — Александр ЗБРУЕВ.

Ярим тун пайтида ёзувчи Павел Ветров ўз уйида орқадан узилган ўқ туфайли ҳалок бўлади.

Бу даҳшатли жиноятга ким ва нима учун қўл урди экан? Тергов органлари олдида жиноятчилар томонидан ташланган чигал тугунни ечиш вазифаси турарди... Бу мудҳиш тунчодири остида нималар ётган экан?...

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 ноябрь соат 20.00 да

16 ва 23 ноябрда соат 17.00 ва 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ДАВЛАТ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарруҳ ЗОКИРОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

ВЕТЕРАНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Оржоникидзе номли совхоз маъмурияти ташаббуси билан «Қибрай» посёлкасининг марказида уруш ва меҳнат ветеранлари учун Қизил чойхона очилди. Чойхона биноси қариялар дидига мос қилиб безатилган.

Ундаги хонтахта атрофида, чинни пиёлаларда чой ичиб, суҳбат қураётган отахонлар яратилган қулайликдан гоятда миннатдорлар. Бу ерда дам олувчиларнинг зерикмаслиги учун газета-журналларнинг янги сонлари, китоблар ўз вақтида келтириб турилмоқда, шахмат-шашка ҳам улар ихтиёрида.

Районда уруш ва меҳнат ветеранларига ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

ОРОМГОҲ КЕНГАИМОҚДА

«Қибрай» дам олиш уйи ўзининг сўлим хиёбонлари, азим дарахтлари, гўзал манзараси билан кишини ўзига тортади.

Бу йил оромгоҳда 8100 меҳнаткаш хордиқ чиқариб қайтди. Дам олувчилар сони ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, келаси йили қўшимча яна 400 кишининг хордиқ чиқаришини таъминлашга қарор қилинди. Бунинг учун оромгоҳни кенгайтириш, қўшимча тадбирларни амалга оширш ҳозирданоқ бошлаб юборилди.

Ш. ТАЛАЕВ, Қ. МУЛЛАБОЕВ.



Пискент районидаги «Гулистон» колхозида ишлаб турган 140 ўринли болалар боғчасида пахтакорлар фарзандларининг қувнаб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Ғунча» деб номланган бу болалар масканида кичкинтойлар ўз вақтларини ҳамиша хушчақчақ ўтказишади. Суратда: кичкинтойлар давраси.

А. Абалян фотоси.

„БИЗ — ТРАКТОРСОЗЛАРМИЗ“

Корхона ҳузурида кичик бир ҳаваскорлик коллективи сифатида иш бошлаган бу агиттеатр бугунги кунда бутун республикамизга яхши таниш. Чиндан ҳам СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг «Биз — тракторсозлармиз» деб номланган бу истеъдодли ижодий коллективи корхонага катта шуҳрат келтирди.

Бундан ўн йил муқаддам агиттеатр ўз фаолиятини бошлаган эди. Ёш тракторсозлардан ташкил топган бу истеъдодлар маҳорати таниқли санъаткор М. Альтмарк эътиборини дарҳол ўзига тортди. Татаристон АССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Михаил Альтмарк ёш ижрочиларга бадиий раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди.

Иш юришиб кетди. Янги томоша программаларн тайёрланди. Корхона маданият саройи саҳнасига олиб чиқилган спектакллар тракторсозлар томонидан илиқ қарши олинди. Ижодий ютуқлар коллектив илҳомига илҳом қўшди. У ўз бой репертуари билан бадиий ҳаваскорлик коллективларининг республика кўригига қатнашди. Бу катта ижодий синовдан муваффақиятли ўтган агиттеатр она-Ватанимиз пойтахти Москвага йўланма олди. Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Бутуниттифоқ кўриги олдидан истеъдодлар пухта тайёргарлик кўрдилар. Тракторсозларни улуғловчи янги бадиий композиция ҳам ҳозирланди. Ана шу саҳналаштирилган программа учун коллектив Бутуниттифоқ кўригининг лауреати бўлди.

Орадан яна тўрт йил ўтди. Бу сафар агиттеатр ижрочилик маҳоратини москваликлар олдида иккинчи бор намойиш қилди. Бутуниттифоқ Ленин комсомолининг шонли 60 йиллигига бағишланиб ўтказилган Бутуниттифоқ фестивалида «Биз — тракторсозлармиз» агиттеатри маҳорати муносиб тақдирланди. Бадиий ҳаваскорларнинг СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларидаги чиқишлари ҳам томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди, автомашиналарда тўрт минг километр масофани босиб ўтдилар. Шимановка, Беленька каби станцияларда берилган концертлар зўр муваффақият билан ўтди. «БАМ ўрмонлари эртаги» деб номланган спектакль эса кўпчиликка бадиий завқ-шавқ бағишлади.

Сибирь бўйлаб қилинган гастролдан коллектив янги ижодий режалар билан қайтди. Театр саҳналаштирган «Диққат, старт!» деган асари Москвада ўтказилган «Олимпиада-80»га бағишланди. Бу программани республикамизда биринчи бўлиб Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишчилари мароқ билан томоша қилдилар.

Қаламкаш М. Костинская сценарийси асосида саҳналаштирилган «Айтишга руҳсат беринг!» деган спектаклда Твардовскийнинг Василий Тёркиндек машҳур қаҳрамони гавдалантирилди. Василий Тёркин ролини заводнинг илғор токари А. Черков ижро этди.

Агиттеатр составида слесарь С. Малдахонов, мастер В. Шаяхова ва бошқа талантли ёшлар ҳам бор. Улар ҳозир янги спектакллар устида қизғин иш олиб боришаётир.

«Биз — тракторсозлармиз» агиттеатри яқинда ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Ижодий коллективга халқ агиттеатри деган фахрли ном берилди.

А. АЛИЕВ.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ОЛТИН МЕДАЛГА ИНТИЛИШ

Ана шу ижрочилик маҳорати учун коллектив кўргазманинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Шу тариқа агитацион бадиий театр иттифоқда танила бошлади. У қадрдон заводи шарафини улуғловчи программалари билан кўпгина шаҳарларда гастролда бўлди. Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши — Байкал-Амур магистрали бунёдкорларн ҳам истеъдодли коллективни завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

Бу гастроль томошаларини деярли тўққиз минг яқин шижоатли ёшлар келиб кўрди. Ҳаваскорлар поездда, автомашиналарда тўрт минг километр масофани босиб ўтдилар. Шимановка, Беленька каби станцияларда берилган концертлар зўр муваффақият билан ўтди. «БАМ ўрмонлари эртаги» деб номланган спектакль эса кўпчиликка бадиий завқ-шавқ бағишлади.

Сибирь бўйлаб қилинган гастролдан коллектив янги ижодий режалар билан қайтди. Театр саҳналаштирган «Диққат, старт!» деган асари Москвада ўтказилган «Олимпиада-80»га бағишланди. Бу программани республикамизда биринчи бўлиб Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишчилари мароқ билан томоша қилдилар.

Қаламкаш М. Костинская сценарийси асосида саҳналаштирилган «Айтишга руҳсат беринг!» деган спектаклда Твардовскийнинг Василий Тёркиндек машҳур қаҳрамони гавдалантирилди. Василий Тёркин ролини заводнинг илғор токари А. Черков ижро этди.

Агиттеатр составида слесарь С. Малдахонов, мастер В. Шаяхова ва бошқа талантли ёшлар ҳам бор. Улар ҳозир янги спектакллар устида қизғин иш олиб боришаётир.

«Биз — тракторсозлармиз» агиттеатри яқинда ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Ижодий коллективга халқ агиттеатри деган фахрли ном берилди.

А. АЛИЕВ.

Спорт

УЗОҚ КУТИЛГАН ҒАЛАБА

«Пахтакор» узоқ танаффусдан сўнг ғалаба қозонди. Тошкентликлар бу сафар бронза медалига даъвогар бўлган коллективлардан бири «Зенит»ни 1:0 ҳисобида енгди. Ягона тўпни 82-минутда Андрей Якубик киритди.

«Пахтакор» изланишда давом этмоқда. Командадаги ўзгаришлардан бири коллективга, мухлисларга яхши таниш бўлган собиқ спартакчи Галимзян Хусаинов тренер бўлиб келди. Дублерлар составида ҳам бир неча янги ўйинчилар пайдо бўлди. Лекин уларнинг келажакда асосий составдан мустаҳкам ўрин олиши ҳақида ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Бир сўз билан айтганда «Пахтакор»нинг ўтмиш шуҳратини тиклаш учун изланиш давом этмоқда. Лекин бу иш бизнингча чўзилиб кетмаяптимикан! Биз аввалги шарҳларимизда бошқа клублардан футболчилар таклиф этишга кўпроқ эътибор берилаётганини ва айни вақтда маҳаллий, қобилиятли ёшлар унутиб қўйилаётганлигини таъкид қилган эдик. Бугунги кунда дублёрлар билан ишлаш яхши планаётганлиги улар сафида бир неча умидли ёшлар пайдо бўлаётганлиги қувонарлидир.

Навбатдаги чемпионат ҳам якунланиш арафасида турипти. Яна уч турдан кейин мавсум ўйинлари тугайди. Олтин медалга Киев динамочилари, кумушга пойтахт спартакчилари даъвогарлик қилишаётган бўлса, сўнгги турда бронза медалларига асосий даъвогар бўлган «Зенит»нинг Тошкентдаги мағлубияти Тбилиси динамочиларига қўл келди. Грузия футболчилари ўз майдонларида «Арарат»ни 4:0 ҳисобида енгиб, ҳозирча «Зенит»дан бир очко орқада қолишмоқда.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кубань» — СКА — 2:0, «Қайрат» — «Динамо» (Мн) — 3:2, «Черноморец» — ЦСКА — 0:0, «Карпати» — «Локомотив» — 1:0, «Динамо» (К) — «Торпедо» — 0:0, «Шахтёр» — «Спартак» — 0:2.

«Пахтакор» чемпионатнинг қолган ўйинларини 12 ноябрда Ереванда «Арарат» ва 16 ноябрда ўз майдонида Минскнинг «Динамо» ҳамда 21 ноябрда Москвада «Динамо» командалари билан ўтказади.

БИРИНЧИ ЛИГАГА УМИД БОҒЛАБ

Мамлакат чемпионати иккинчи лигаси ғолиби бўлган Самарқандининг «Динамо» футболчилари биринчи лигага ўтиш арафасида турибдилар. Бунинг учун улар 16 ноябрда Павлодарда бўладиган ўйинда ғалаба қозонсалар кифоя. Улар финал учрашувларининг учтасида беш очко тўплаб, группада пешқадамлик қилишмоқда. Динамочилар сўнгги турда ўз майдонларида Тольяттининг «Торпедо» коллективини қабул қилиб: 5:0 ҳисобида устун келишди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время, 9.50 — Гимнастика. 10.45 — Мультфильмлар. 10.40 — Урушсиз ўтган йигирма кун. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — ижобинг. 16.15 — СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри ёш солистларининг концерти. 17.10 — Жонажон табиат. 17.30 — Ангола Халқ Республикасининг миллий байрами. 18.30 — Усмирлар ижоди. 18.50 — Инсон ва қонун. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Совет милицияси кунига бағишланган концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — Тенгдош. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Ишга туширилиган объектлар — сафга. 22.35 — Кино оламида.

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги, партия ва комсомол ташкилотлари қабул-тақсимот бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори А. Мўминқуловга онаси

Асал МЎМИНҚУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги, партия ташкилоти ва шахсий состави Калинин район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори

Обид Раззоқович ИСҲОҚАЛИЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02362. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1727. 14